

Конституциявий қонун лойиҳаси аҳоли муҳокамасида



Термиз туманида жойлашган Агротехнологиялар инновацион ривожланиш институтида “Янгиобод” ва “Ат-Термизий” маҳаллалари аҳолиси, жумладан, ёшлар иштирокида Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

“Конституциявий ислоҳотлар ёшлар нигоҳида” мавзусида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Илҳом Сапаров иштирок этиб, Конституциявий қонун лойиҳасининг яратилиши, унга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида атрафлича фикр юритди. Тадбир иштирокчиларини қонун лойиҳаси муҳокамасида янада фаол иштирок этишга чақирди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан нуронийлар ва ёшлар вакиллари кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўз юритилди ва Конституциявий қонун лойиҳаси билан Инсон қадрини учун хизмат қиладиган, халқчил Конституция яратилаётганлигини таъкидланди.